XII-XIV АСРЛАРДА МОВАРОУННАҲРДАГИ ИЛМИЙ-МАЪНАВИЙ МУҲИТ

THE SCIENTIFIC AND SPIRITUAL ENVIRONMENT IN MOVARONNAHR IN THE XII-XIV CENTURIES

НАУЧНАЯ И ДУХОВНАЯ СРЕДА МОВАРОУННАХРА В XII-XIV ВЕКАХ

Sherzodjon A. UMARALIYEV,
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN
Teacher of the Department "Islamic Studies and Islamic Civilization Study ICESCO"
A.Kadiri str. 11, 100011, Tashkent, Uzbekistan.
E-mail: sherzodjon.umaraliev@gmail.com

DOI: 10.47980/IIAU/2024/1/7

Аннотация. *XII-XIV асрларда Моваройуннаҳрда Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида йирик илмий марказлар фаолият юритган. Мазкур даврда Моваройуннаҳрнинг Фарғона водийсида ҳам бир қанча илмий марказлар фаолияти юзага келди. Улардан Марғинон, Ўш, Ўзжанд, Хўқанд ва Хўжанд каби шаҳарлар Қорахонийлар давридан тортиб, мўғул босқинидан кейинги даврлар мобайнида ҳам илмий марказ сифатидаги аҳамиятини сақлаб қолди. Мазкур давр оралиғида ушбу минтақадан Бурҳонуддин Марғиноний, Алоуддин Косоний, Фахруддин Қозихон, Сирожуддин Ўший, Заҳируддин Марғиноний ва Ҳусомуддин Ахсикатий каби ислом ҳуқуқи соҳасининг йирик намоёндалари етишиб чиқди. Шу билан бирга, Фарғона водийсида қироат илмида Абу Тойиб Хўқандий, Абу Ҳафс Андкуноний, Абу Наср Фарғоний, тасаввуф соҳасида Саъдуддин Фарғоний, фиқҳ илмида Шарофуддин Фарғоний, Қози Хўжандий ҳамда ҳадис илмида Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Хўжандий каби олимлар фаолият юритгани аниқланди.*

Мазкур давр Моваройуннаҳр минтақаси учун мураккаб сиёсий жараёнларни қамраб олгани билан ажралади. XII-XIV асрлар Моваройуннаҳр минтақасида Қорахонийлар, Хоразмшоҳлар ҳамда Мўғул Чиғатой хонлиги ҳукмронлик қилган. Шунга қарамай, ушбу ҳукмрон сулолалар даврида минтақада илмий-маданий муҳаитнинг ривожланиши тўхтаб қолмади. Қорахонийлар даврида масжидлар бир вақтнинг ўзида мадрасалар вазифасини ўтаган. Мўғул Чиғатой хонлиги остида мўғулларнинг маҳаллий аҳоли билан ўтроқлашуви оқибатида ислом динига эътиқод қилиш сақланиб қолган ҳамда бунинг таъсирида исломга асосланган маданий юксалиш тўхтаб қолмаган эди.

XIV аср бошларида Моваройуннаҳрнинг ғарбида жойлашган Замахшар шаҳрида бўлган Ибн Баттута масжидларда сунний мусулмонлардан кўра мўътазилий тоифаси вакиллари кўпчиликни ташкил қилганини қайд этган. Демак, ушбу даврга хос мураккаб сиёсий жараёнда ҳам аҳли сунна эътиқодидан бошқа мусулмон тоифаларнинг шаклланиши ҳам юз берган.

XII-XIII асрлар Моваройуннаҳрда ҳанафий мазҳабида мавжуд Ироқ фиқҳ мактабига ҳамоҳанг равишда Моваройуннаҳрда Самарқанд ва Бухоро мактаблари шаклланиши ниҳоясига етди. Эндиликда моваройуннаҳрлик фақиҳлар Самарқанд ёки Бухоро фиқҳ мактаби вакилларига ажрала бошлади. Масалан, Фарғона водийсидан етишиб чиққан Бурҳонуддин Марғиноний Самарқанд фиқҳ мактаби вакили бўлса, ўзжандлик Фахруддин Қозихон Бухоро фиқҳ мактаби намоёндаларидан саналади. Шунга кўра, Моваройуннаҳрда ислом ҳуқуқи соҳасининг ўрганилиши бўйича ушбу икки шаҳар йирик маданий марказга айланди.

Калит сўзлар. *Моваройуннаҳр, илмий муҳит, ҳанафий фиқҳи, илмий марказ, Қорахонийлар, Мўғул Чиғатой хонлиги, Самарқанд, Бухоро, Марғинон, Ўш.*

Abstract*. In the 12th -14th centuries, large scientific centers operated in the cities of Samarkand and Bukhara in Movarounnahr. During this period, several scientific centers were established in the Fergana valley of Movarounnahr. Among them, such cities as Marginon, Osh, Uzjand, Khoqand and Khojand have maintained their importance as scientific centers since the Karakhanid era and after the Mongol invasion. During this period, great representatives of the science of Islamic law such as Burhanuddin Marginani, Alauddin Kosani, Fakhruddin Qazikhan, Sirojuddin Oshi, Zahiruddin Marginani and Husamuddin Ahsikati emerged from this region. At the same time, it was found that scholars such as Abu Taiyib Khoqandi, Abu Hafs Andkunani, Abu Nasr Ferghani worked in the field of Qiraat, Saaduddin Ferghani worked in the field of Sufism, Sharafuddin Ferghani, Qazi Khojandi worked in the field of Fiqh, and Abdullah ibn Muhammad Khojandi worked in the field of Hadith in Ferghana Valley.*

This period is distinguished by the fact that it covered complex political processes for the Movarounnahr region. In the 12th-14th centuries, the Karakhanids, the Khorezmshahs, and the Mongol Chigatai Khanate ruled the Movarounnahr region. Nevertheless, the development of the scientific and cultural environment in the region did not stop during these ruling dynasties. During the Karakhanids, mosques served as madrasahs at the same time. As a result of settlement of Mongols with the local population during the Mongol Chigatai Khanate, belief in Islam was preserved and the cultural growth based on Islam did not stop due to this influence.

At the beginning of the 14th century, Ibn Battuta, who was in the city of Zamakhshar, which is located in the west of Movarounnahr, noted that the representatives of the Mu'tazili group made up the majority of the mosques than the Sunni Muslims. Therefore, in the complex political process typical of this period, the formation of Muslim categories other than those of the Sunni faith also took place.

In the 12th-13th centuries, the Samarkand and Bukhara Schools were formed in Movarounnahr in harmony with the Iraqi Jurisprudence School existing in the Hanafi School. Now the jurists of Movarounnahr began to divide into representatives of the Samarkand or Bukhara School of Jurisprudence. For example, Burhanuddin Marginani, who came from the Fergana valley, is a representative of

the Samarkand School of Jurisprudence, while Fakhruddin Qazikhan from Uzjand is one of the representatives of the Bukhara School of Jurisprudence. Accordingly, these two cities became major cultural centers for the study of Islamic law in Movarounnahr.

***Keywords**. Movarounnahr, scientific environment, Hanafi Jurisprudence, scientific center, Karakhanids, Mongolian Chigatai Khanate, Samarkand, Bukhara, Marginan, Osh.*

***Аннотация**. В XII-XIV веках крупные научные центры действовали в городах Самарканде и Бухаре. В этот период в Ферганской долине Мовароуннахра также был создан ряд научных центров. Из научных центров Ферганской долины такие города, как Маргилан, Ош, Узджанд, Хоканд и Ходжент, сохранили свое значение как научные центры со времен Караханидов и после монгольского нашествия. В этот период из этого региона вышли великие представители области исламского права, такие как Бурхануддин Маргинани, Алауддин Косани, Фахруддин Казихан, Сироджуддин Уши, Захируддин Маргинани и Хусамуддин Ахсикати. В то же время было установлено, что такие учёные, как Абу Тайиб Хоканди, Абу Хафс Андкунани, Абу Наср Фергани, Саадуддин Фергани в области суфизма, Шарафуддин Фергани, Кази Ходжанди и Абдулла ибн Мухаммад Ходжанди в области суфизма работали в Ферганской долине.*

Этот период отличался тем, что охватил сложные политические процессы в регионе Мовароуннахра. В XII-XIV веках на территории Мовароуннахра существовали Караханиды, хорезмшахи и монгольское Чагатайское ханство. Во времена этих правящих династий не прекращалось развитие научной и культурной среды региона. При Караханидах мечети одновременно выполняли функцию медресе. В результате ассимиляции монголов с местным населением в составе Монгольского Чагатайского ханства вера в ислам сохранилась, и культурный рост, основанный на исламе, не прекратился благодаря этому влиянию.

В начале XIV века Ибн Баттута, находившийся в городе Замахшаре, расположенном на западе Мовароуннахра, отмечал, что состав большинства мечетей представляли группы мутазилитов, а не мусульмане-сунниты. Поэтому в сложном политическом процессе, типичном для этого периода, происходило и формирование иных мусульманских сект, помимо ислама суннитского толка.

В XII-XIII веках в Мовароуннахре сформировались самаркандская и бухарская школы, гармонирующие с иракской ханафитской школой правоведения. С этого времени правоведы Мовароуннахра разделяются на представителей самаркандской и бухарской школ правоведения. Например, Бурхануддин Маргинани, выходец из Ферганской долины, является представителем самаркандской школы правоведения, а Фахруддин Казихан из Узджанда – одним из представителей бухарской школы правоведения. Соответственно, эти два города стали крупными культурными центрами изучения исламского права в Мовароуннахре.

***Ключевые слова.** Мовароуннахр, научная среда, ханафитское правоведение, научный центр, Караханиды, Монгольское Чагатайское ханство, Самарканд, Бухара, Маргилан, Ош.*

КИРИШ

XII-XIV асрлар Мовароуннаҳрдан ислом оламининг йирик намоёндалари етишиб чиқишида минтақадаги ижтимоий-маданий муҳитнинг ўрни юқори бўлган. Жумладан, Фарғона минтақаси, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида ривожланган илмий марказларда фаолият олиб борган олимнинг фаолиятига ижтимоий-маданий омиллар ўз таъсирини кўрсатган. Хусусан, олим туғилган Ўш шаҳри жойлашган Фарғона водийси ҳам бир қанча илмий марказларга эга минтақа бўлган. XII-XIV асрларда Фарғона минтақасининг йирик шаҳарларидан Ахсикат (Наманган яқинида), Хўжанд, Қубо, Ўш ва Ўзганд кабиларни санаб ўтиш мумкин (Номаълум муаллиф: 72[b]). Шунингдек, мазкур минтақа Устуршонанинг шарқи, Жидгил (Норин дарёси), Косон, Ураст ва Қубо дарёлари оқиб ўтган ҳудудларни ҳам ўз ичига олади. Ҳозирги кунда Фарғона водийси Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон давлатлари чегараларини қамраб олган.

XII-XIV асрларда Фарғонада қишлоқ ва шаҳар ҳаёти ривожланган. X асрда Сомонийлар салтанати (ҳукм. давр. 875-999 йй) остида пойтахт Ахсикент ва бошқа йирик шаҳарларда барпо этилиб, аҳолининг ислом илмлари билан бир қаторда фалсафа, мантиқ, математика ва физика каби бошқа соҳаларни ҳам ўзлаштириши учун шароитлар яратилган (Frye, Richard N. 2015: 138). Ушбу анъана Мовароннаҳр ҳокимияти XII асрда Қорахонийлар (840-1212) ўтгандан сўнг ҳам давом эттирилди. Улар томонидан пойтахт Ўзганд шаҳрига ўзгартирилди ва у Қорахонийлар давлатининг илмий-маданий марказига айланди. Мазкур асрда Сирожуддин Ўший билан бир даврда Ўзгандда ҳанафий мазҳабининг йирик намоёндалари бўлган Фахруддин Қозихон (в. 1196), Марғинонда Бурҳонуддин Марғиноний (ваф. 1197 й), Косонда Алоуддин Косоний (в. 1191), Ахсикатда Хусомуддин Ахсикатий (в. 1227) каби мужтаҳид фақиҳлар фаолият юритган.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Қорахонийлар сулоласи Фарғона минтақасида ҳокимиятга келган дастлабки мусулмон сулола эди. Нумизматика тадқиқотлари натижасига қаралса, Қорахонийлар ўз салтанатини Фарғона водийсида мўғуллар истилосига қадар ҳукмронилигини сақлаб қолган (Бартольд, 1965: 561). Қорахонийлар вакили Сатук Буғрохон (ҳукм. давр. 975-998) исломни қабул қилгач, салтанатнинг ғарбий минтақасида исломни ёйишга киришган (Ozaydın, 2001: 405). Буғрохоннинг набираси Абулҳасан Али Арслонхон (ҳукм. давр.

975-998) даврида Фарғона водийси билан бирга Мовароуннаҳрнинг бошқа минтақалари ҳам Қорахонийлар ҳокимиятига қўшиб олинган (Yazıcı. 2002: 132). Абулҳасан Али Арслонхон вафотидан сўнг ўғли Абу Наср Аҳмад буюк хоқон сифатида тахтга ўтиради. Ушбу даврдан бошлаб Қорахонийлар давлати ғарбий ва шарқий қисмларга ажралган. 1048 йилда Шарқий Қорахонийлар салтанати таркибига ўтган Фарғона минтақасида пойтахти Ўзганд шаҳри бўлган кичик мустақил давлат сифатида шаклланган Фарғона Қорахонийлар хонлиги тузилди (Yazıcı, 2002: 138).

Салтанатнинг ғарбий қисми бўлган Фарғона водийсида ҳокимиятини ўрнатган Илиг Насрхон Аббосий халифаси Қодир биллоҳга боғлиқлигини билдирган дастлабки қорахоний ҳукмдори эди (Pritsak, 1980: 77). Ушбу даврдан бошлаб, қорахоний ҳукмдорларининг Аббосий халифалигига боғлиқлигини эълон қилиб қўйиш анъана тусига кирган эди. Мазкур тарихий жараён Сирожуддин Ўшийнинг "Фатово" асарида ҳам ўз аксини топган бўлиб, "Бугунги кунда халифалар Аббосийлардан бўлгани туфайли баъзи минтақаларда ийд намози такбирларида ибн Аббосдан келган ривоятга асосан амал қилмоқдалар" тарзида ушбу ҳолатни ифода қилган (Ўший, 2011:110). Ҳанафий мазҳабига кўра, ийд намозлари такбири Умар ибн Хаттоб ва Ибн Масъуддан келган ривоят асосида бажарилишига ҳукм берилган бўлса, шофеий мазҳабида Ибн Аббоснинг ривоятига эргашилади (Ўший, 2011: 110). Ўшийнинг ушбу ўринда ҳанафий мазҳаби тарқалгалган ҳудудларда ҳам халифалик Аббосийлар қўлида бўлгани туфайли шофеий мазҳабига эргашиш ҳолатлари кузатилаётганига урғу бермоқда. Демак, XII аср ўрталарида Мовароуннаҳрдаги мавжуд ижтимоий-сиёсий вазият ҳанафийларнинг баъзи ўринларда шофеий мазҳаби ҳукмларига эргашишга мажбурлаган. Бундан шу маълум бўлади-ки, мўғул босқинидан аввал Қорахоний ҳукмдорлари ҳокимиятлари кучсизланиб қолган. Бироқ, Мовароуннаҳр, хусусан Фарғона водийсида кенг ёйилган ҳанафий мазҳаби мазкур омиллар сабабидан ўз позициясини шофеий мазҳабига бой бермаган.

АСОСИЙ ҚИСМ

XII аср Мовароуннаҳр минтақаси учун мураккаб сиёсий жараёнлар асри бўлган. Давлатлар ўртасидаги урушлар ва ҳукмдор оилалар ўртасидаги келишмовчиликлар туфайли ҳокимият қўлдан-қўлга ўтиб юрган. Бироқ, мураккаб сиёсий вазиятга қарамай, минтақада илмий фаолиятлар тўхтаб қолмади, аксинча, бир қанча илмий марказлар вужудга келди. Қорахонийлар даврида Мовароуннаҳрда 300га яқин фақиҳларнинг фаолият юритиши ҳамда улар томонидан 350дан ортиқ асар ёзганликлари минтақада илмий муҳитнинг ривожланганини кўрсатади (Kavakçı, 1976: 305).

Қорахонийлар даврида дастлабки мадраса Тамғач Буғро Қорахон Иброҳим (ҳукм.давр. 1046-1067 йй.) томонидан Самарқандда қурилган. Аммо унинг ҳукмронлигида Фарғонада фаолият юритган бирорта мадрасанинг номи тарихий манбаларда келтирилмаганига урғу бериб ўтиш лозим (Yazıcı, 2002: 167-168). Чунки XI-XII асрларда Фарғона водийсидан етишиб чиққан олимларнинг кўплиги ушбу минтақада уларни етишиб чиқишига туртки бўлган мадрасалар мавжуд бўлганига ишора қилади.

Шунингдек, ушбу даврда илмий фаолият марказлари сифатида масжидларни ҳам кўрсатиш мумкин. Улар бир пайтниниг ўзида илм-фан маскани вазифасини ўтаган. Фарғона водийсига саёҳат уюштирган ва минтақа тўғрисида қимматли маълумотларни ёзиб қолдирган мусулмон тарихчиси Абу Абдуллоҳ Мақдисийга кўра, ушбу даврда Фарғона водийси марказий шаҳарларида илмий марказ сифатида фаолият юритган 40га яқин жомеъ масжидларининг номларини санаб ўтган (Мақдисий, 2002: 362-372). Зеро, исломнинг илк давридан бошлаб масжидлар ибодат маскани бўлиш баробарида таълим маскани сифатида ҳам фаолият юрита бошлаган. Масалан, ҳадис ровийларининг масжидларда ҳадис ривоятига киришиши, олимлар ўртасида илмий баҳслар олиб борилиши ва ҳатто, Замахшарийнинг "ал-Кашшоф" асари каби баъзи асарларнинг масжидларда ёзиб тугатилиш ҳолатлари кўзга ташланади. Шунга кўра, масжидлар мусулмон мамлакатлари ҳудудларида мадраса вазифасини ҳам ўтаган.

XIII аср бошида содир бўлган мўғул босқинидан аввал Мовароуннаҳрда IX-XII асрда цивилизациянинг энг юксак даражалари намоён бўлган. Академик Бартольднинг XIII аср маданий мерос харитасида ҳам Мовароуннаҳр минтақаси энг маданийлашган нуқта сифатида кўрсатилган (Бартольд, 2018: 126). Бухоро, Самарқанд, Марв, Балх, Журжон, Фарғона ва Хоразм каби ҳудудлар Буюк Ипак йўли савдо алоқалари кесиб ўтиши ортидан ўзига хос савдо ва маданият марказлари айланган. тарихчи Биранга кўра, айнан шу даврда Мовароуннаҳр Аббосий халифалик таъсиридан озод бўлган ва ислом олимлари томонидан марказлашган тушунчалардан ҳоли мустақил қарашларнинг илгари сурилиши кузатилган (Biran, 2013: 259).

1218-1222 йилларда давом этган Мўғул босқини ортидан Мовароуннаҳр минтақасида ижтимой-маданий, сиёсий-иқтисодий ривожланиш ортга кетиши кузатилди. Шунингдек, мўғуллар томонидан амалиётга қўлланган бошқарув, ҳарбий, ҳуқуқий

ва иқтисодий тизимлар ҳам ўз таъсирини кўрсата бошлади (Yilmaz, 2019: 182). Лекин шу билан бирга, асли кўчманчи бўлган мўғуллар ерлик аҳоли билан ўтроқ ҳаётга мослаша бошлади. Ҳатто уларнинг орасида ислом динига ўтиш кузатила бошлади. Бунинг оқибатида мўғулларнинг туркийлашув жараёни бошланди (Ўлмаз З., 2007:175). Натижада Мовароуннаҳр минтақаси Чиғатой хонлиги номи билан, Шарқий Мўғул хонлиги эса Мўғул улуси номи билан ўзгарди (Очир А., 1999: 279).

Мўғул Чиғатой хонлиги сулоласидан Муборакшоҳ ва Бароқхондан сўнг тахтга келган Тармаширин учинчи мусулмон ҳукмдорга айланди. Унинг даврида исломнинг сиёсий элитага таъсири кучайди (Бартольд, 2006:171). Ибн Баттута мўғул ҳукмдорлардан Кебекхон ва Тармаширинниng туркий тилда сўзлашгани келтиради (Ибн Баттута, 2015: 280).

Мовароуннаҳр аҳолисининг катта қисми мўғул истилосидан олдин ислом динига эътиқод қилар эди. Мўғул босқини даврида минтақага шовинизм ва бутпарастлик кириб келди (Yilmaz, 2019:195). Бироқ, кўчманчи мўғулларнинг маҳаллий аҳоли билан ўтроқлашуви ҳамда туркийлашуви жараёни оқибатида ислом динига эътиқод қилиш сақланиб қолди. Ҳатто, мўғул хонлари таниқли мусулмон шахсларнинг қабрларини зиёрат қилган. Бу ҳақида Ибн Баттута зикр қилиб, уларнинг зиёрат асносида мусулмонлар каби қўй ва қорамол каби ҳайвонларини қурбонлик қилганлари, пул ва бошқа нарсалар билан садақа берганларига эътибор қаратади (Ибн Баттута, 2015: 286). Ушбу тарихий жараёнлар шуни кўрсатади-ки, XIII асрда Мовароуннаҳрда мўғул истилоси даврида ҳам анъанавий маданий тараққиёт тўхтаб қолмаган.

Тармаширинхондан сўнг мўғулларнинг Мовароннаҳр минтақасига таъсири камайди (Груссе. 2015: 382). Маҳаллий тасаввуф муршидлари мўғул амалдорларини ислом ва тариқат йўлига ундай бошлади (Китобчи, 2005: 132). Француз шарқшуноси Рене Груссе Тармаширидан Амир Темур ҳокимиятга келгунга қадар кечган даврни “лаёқатсиз хонлар даври”, деб номлаган (Груссе, 2015: 382). Амир Темур (ҳукм. даври 1348-1363 йй.) минтақадаги бошқарувни қўлга олгач, мусулмон маданиятининг риқожланиши қайта жонланди (Арслон, 2014: 397).

Мўғул истилоси даврида ислом динининг бутпарастлик таъсиридан ташқари ички бўлиниш муаммолари ҳам мавжуд эди. XIV аср бошларида Замахшар шаҳрида бўлган Ибн Баттута масжидларда сунний мусулмонлардан кўра мўътазилий тоифаси вакиллари кўпчиликни ташкил қилгани, бироқ, улар мавжуд сиёсий тузумдан кўрққанлари туфайли ўз эътиқодлариини сир сақлаганини қайд этган (Ибн Баттута, 2015: 272).

XIV асрда Мовароуннаҳрда мўғул ҳукмронлиги барҳам топгач, Амир Темур қўл остида Самарқанд шаҳри ислом дунёсидаги Бағдод ва Шом ўлкаси каби йирик маданий марказга айланди. Бу ҳақида Самарқандга саёҳат қилган саёҳатчи Марко Поло Самарқандни “йирик маданийлашган шаҳар” сифатида тилга олган (Поло М., 2015:31). Амир Темур тахтни эгаллаганидан 30 йил ўтар-ўтмас Самарқандга ташриф буюрган Марко Полонинг шаҳар борасидаги ушбу таърифи Амир Темур бошқаруви остида минтақанинг турғунликдан сўнг жадал равишда ривожланганини кўрсатади. Тарихчи Ибн Арабшоҳнинг Марғинон, Хўжанд ва Андижон борасида ёзиб қолдирганлари Фарғона водийси ҳам Мовароуннаҳрнинг бошқа ҳудудлари каби илм-фан марказларидан бирига айланганини таъкидлайди (Ибн Арабшоҳ, 2012: 56-57).

Сирожуддин Ўшийнинг фаолиятида ўзи туғилган Ўш шаҳрининг аҳамияти юқори бўлган. Ислом тарихи ва географиясига оид асарларда Ўш ва Уч шаклида зикр этилган ва бугунги кунимизда қирғиз тилида Ош дея талаффуз этиладиган шаҳар Қирғизистоннинг жанубий-ғарбида денгиз сатҳидан 870-1110 метр баландликда жойлашган (Мақдисий, 2002:272; Қошғарий, 1915: 38; Ҳамавий, 1977: 281; Орузбаева, 1979: 523; Эгамбердиев, 2004:543). Ўш шаҳри билан боғлиқ маълумотларни милоддан аввалги II асрнинг охирларида ёзилган Хитой манбаларидан топиш мумкин. Ушбу маълумотларга кўра, Ўш шаҳри 2300 киши атрофида аҳоли истиқомат қилувчи ўтроқ-марказий шаҳар сифатида тилган олинган (Бичурин, 1953:190). IV-X асрларга оид мусулмон географларининг асарларида Ўш шаҳри борасида бир қанча қимматли маълумотларни учратиш мумкин. Хусусан, Истахрий (в.340/951-52) Ўшнинг Фарғона водийси ҳудудидаги аҳолиси кўп, атрофи деворлар билан ўралган қалъага эга ва ушбу қалъанинг устида Туркларга қарши кузатув олиб борилгани ҳамда қалъанинг деворлари улкан тоғ билан ўралгани айтилган (Истахрий, 2018:333). Шаҳарнинг тоғ, сув ва олов дарвозаси каби учта дарвозаси мавжуд бўлган (Ибн Ҳавқал, 1992:513). Шунингдек, шаҳар катта ҳудудни эгаллаган марказий майдонга, ўртасида масжиди мавжуд бўлган бозорга ва минтақанинг турли тарафларидан келган мусофир йўловчилар учун мўлжалланган карвонсаройга эга бўлган йирик шаҳар сифатида эътироф этилган (Мақдисий, 1906: 272).

Тарихий манбаларда Ўш шаҳрининг бир қанча фазилатларга эга шаҳар сифатида таъриф этилган ривоятлар учрайди. Бу борада шаҳарнинг фазилатларига бағишланиб битилган “Бу рисола

хайр ал-булдон Ўш шаҳрининг сифати” номли асарни алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин (Unal, 2014: 67). Мазкур асарнинг муаллифи, ёзилиш санаси ва жойи маълум эмас. Мазкур асарда Ўш шаҳри ҳақида “хайр ал-булдон” (шаҳарларнинг энг яхшиси), “балдаи маъсум” (гуноҳлардан пок шаҳар) деган таърифлар орқали уни мақтаб ўтилган. Шу билан бирга, асарда Ўш шаҳри аҳолисининг фазилатлари яхши сифатлари мадҳ этилган (Unal, 2014:78). “Бобурнома” асарида Заҳириддин Муҳаммад Бобур (в.937/1530)дан ривоят қилинган хабарга кўра, Бобур шаҳарни мадҳ қилган ҳолда қуйидагиларни айтган: “Ўшнинг фазилатида хайли аҳодис ворид бўлубтур” (Яъни, Ўшнинг фазилати тўғрисида кўпгина воқеҳодисалар ворид бўлибдир) (Z. Babur, 1583:3[b]). “Бобурнома”да ёзиб қолдирилган маълумотларда “Бу рисола хайру ал-булдон Ўш шаҳрининг сифати” асарига ишора қилинган бўлиши мумкин (Sebetov, 2015: 8).

XII асрга келиб, Ўш шаҳри Фарғона водийсининг ўзига хос илмий марказларидан бирига айланган. Ушбу асрда ҳанафий мазҳабининг кўплаб намоёндалари фаолият юритган. Улардан Масъуд ибн Мансур (в. 519/1125), унинг укаси Имрон ибн Мансур, Муҳаммад ибн Сулаймон, Имрон ибн Мусо ва Муҳаммад ибн Аҳмад Ўшийларни ((в. 613/1216) мисол келтириш мумкин.

Ўшлик фақиҳлардан ака-ука Масъуд ва Имрон ибн Мансур Ўшийлар Самарқандда фаолият юритганлар. Абдулкарим Самъонийнинг ёзишича, Масъуд ибн Мансур ироқлик машҳур ҳанафий фақиҳи Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Али Самнонийдан (в. 444/1052) ҳамда ҳаж сафари давомида Бағдод шаҳрида Шамсулаимма Заранжарий (в. 512/1118) билан учрашиб, ҳадис ривоят қилган. Масъуд ибн Мансур Ўший умрининг охирги йилларида Самарқанднинг “Ҳамза” номли работида талабаларга ҳанафий фиққидан дарс берган (Самъоний. 1988: 385). Нажмуддин Насафий (в. 537/1142) Масъуд ибн Мансур Ўшийнинг вафоти тўғрисида хабар бериб, олим ўз аҳли оиласи ва фарзандлари билан бирган 519 ҳижрий сана, Зулҳижжа ойининг ўрталарида бир кечада бахтсиз ҳодиса туфайли вафот этганини зикр қилади (Самъоний, 1988: 386).

Ўшлик йирик олимлардан яна бири – Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад Ўший Бухорий илм таҳсили йўлида Бухоро ва Бағдод шаҳарларига сафар уюштиради. Шамсуддин Заҳабий “Тарих” асарида келтиришича, Абу Абдуллоҳ Ўший Бухорий ўз даврида ҳанафий фиққининг йирик вакили бўлиб, Бағдодда Абу Ҳафс Умар ибн Бакр Заранжарийдан (в. 584) таълим олган (Заҳабий, 1997:163). Шамсуддин Заҳабий шофеий олими бўлган муҳаддис, қироат илми олими ва муаррих Жамолуддин Дубайсий (в. 637/1239) фаолиятини ёритиш мобайнида унинг устозлари қаторида Абу Абдуллоҳ Ўшийни санаб ўтади (Заҳабий, 1997:1414). Дубайсийнинг Бағдод шаҳрида фаолият юритгани эътиборга олинса, Абу Абдуллоҳ Ўшийнинг Бағдоддаги фаолияти давомида Абу Ҳафс Умар Заранжарийдан таълим олиш билан бирга, ушбу шаҳардаги бошқа фақиҳларга ҳам фиққдан дарс бергани ойдинлашади.

Шунингдек, олимнинг бобоси Муҳаммад ибн Сулаймон Ўший минтақадаги кўзга кўринган олимлардан бўлган. Бунга ҳанафий фақиҳларидан Бурҳонуддин Марғиноний ва Фахруддин Қозихон каби йирик намоёндаларнинг айнан шу олимдан таҳсил олганлари ҳам ишора қилади (Салмо, 2014:256). Шу қатори, Муҳаммад ибн Сулаймон Ўший набираси Сирожуддин Ўшийнинг дастлабки устозларидан бири саналади (Ўший, Муснад: 2[b]). Муҳаммад ибн Сулаймон Ўшийнинг шахсияти борасида манбаларда етарли маълумотлар мавжуд эмас. Баъзи турк тадқиқот ишларида олимнинг вафоти борасида чалкаш фикрлар учрайди. Шунга қарамай, турк тадқиқотчиси “*XI. ve XII. Asırlarda Karahanlılar Devrinde Mavara' al-Nahr İslam Hukukçuları”* номли тадқиқот ишида фақиҳнинг вафот этган йилини 592/1195 йил эканини ёзиб ўтган (Kavakçı. 1976: 129). Юсуф Кавакчи мазкур хулосага Кинолизоданинг “Табақот ал-фуқаҳо”сида Муҳаммад Ўшийнинг вафот йили Фахруддин Қозихон вафоти (м.1196 й.) билан бирга зикр қилингани асос бўлганини айтиш баробарида, мазкур фикр тўғри эмаслигини таъкидлаш зарур (Kınalızade, 2005: 98). Муҳаммад ибн Сулаймон Ўшийнинг туғилган ва вафот этган йиллари тўғрисида маълумотлар Кинолизоданинг китобидан бошқа бирорта манбада учрамайди. Сирожуддин Ўший (575/1179) Юсуф Кавакчи фикрига кўра, бобоси Муҳаммад Ўший (в.592/1195)дан 16 йил аввал вафот этганини тахмин қилиш мантиқан тўғри бўлмайди. Чунки Котиб Чалабийга кўра, Сирожуддин Ўший 490-500/1096-1106 йиллар орасида туғилган ва тахминан 80 йил яшаган (Чалабий, 2007: 1200). Маълум бўладики, 1118 йилда туғилган Бурҳонуддин Марғиноний Ўшийдан тахминан йигирма ёшга кичик. Демак, Муҳаммад Ўший набирасидан тахминан йигирма ёш кичик бўлган шогирди билан бир йилда, тахминан 130 ёшида вафот этиши ҳақиқатдан узоқ. Шу сабабли Муҳаммад ибн Сулаймон Ўшийга нисбат берилган 1096 йилдаги вафот йили ҳамда Юсуф Кавакчи томонидан унга тегишли деб тахмин қилинган асарлар аслида Фахруддин Қозихонга оид экани ойдинлашади (Kavakçı. 1976: 130). Хулоса қилиб айтганда, Сирожуддин Ўший тахминан 80 йил атрофида умр кўрган. Олимнинг бобоси Муҳаммад Ўший эса тахмин қилинганидек, 1096-йилдан

олдинроқ вафот этган. Юқоридаги маълумотларга асосланган ҳолда, Юсуф Кавакчи ва у таянган Кинолизоданинг “Табақот ал-фуқаҳо” асаридаги маълумотларда чалкашлик мавжуд.

Шунингдек, Бурҳонуддин Марғиноний ўзининг “Машийха ал-фуқаҳо” асарида Муҳаммад ибн Сулаймон Ўшийни устозлари қаторида санаб ўтган ва олимни “Шайхулислом”, “Насруддин” ҳамда “аҳад аз-зуҳҳод” (зоҳидлардан бири) дея таърифлаган (Салмо. 2014: 286). Демак, Ўшийлар оиласи ҳам Марғинонийлар каби мужтаҳид фақиҳлар етиштирган саноқли оилалардан бири бўлган.

МУҲОКАМА

Фарғона водийсида фиқҳ илмининг ривож топишида Шамсулаимма Сарахсийнинг (ваф. 1090 й.) ҳам ўрни юқори. Фарғонадан етишиб чиққан Марғиноний, Ўзгандий ва Ўший нисбалари билан фаолият юритган фақиҳлар оиласи асосчиларининг барчаси Шамсулаимма Сарахсийдан унинг Ўзганддаги фаолияти мобайнида бевосита таълим олган. Имом Сарахсийнинг фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, Сарахсий 466-ҳижрийда Ўзгандга кўчиб келади ва у ерда Ўзганд ҳокимининг қарори билан ўн беш йил зиндонда қолиб кетади. Зиндонда эса ўн беш жилддан иборат “ал-Мабсут” асарини ёзади. Имом Муҳаммаднинг “ас-Сияр ал-кабир” асарига шарҳ ёзишни бошлаб юборган вақтлари зиндондан озод қилинади. Сўнг олим ўша пайтдаги илм марказларидан бири Марғинон шаҳрига кўчиб ўтади ва у ерда “ас-Сияр ал-кабир”нинг шарҳини ёзиб тамомлайди (Сарахсий, 1989:192). Муҳиддин Қурашийнинг “ал-Жавоҳир ал-музиййа” асарида имом Сарахсийнинг Фарғонадаги фаолияти давомида ундан Зандаромиший каби машҳур фақиҳ, “Фатовои Қозихон” асари муаллифи Фахруддин Қозихонниг бобоси Шамсулислом Қози Маҳмуд Ўзгандий ҳам бевосита сабоқ олгани, кейинчалик Сарахсий ва Маҳмуд Ўзгандийлар ўртасида илмий алоқалар сақланиб қолгани зикр қилинади (Қураший, 2008:297).

Ҳанафий фиққи таълимотини Бухорода Шамсул аимма Ҳалвонийдан ўрганган Шамсул аимма Сарахсий кейинчалик Мовароуннаҳрнинг Фарғона диёрига қарашли Ўзганд шаҳрига кўчиб ўтиб, ўша ерда фаолиятини давом эттиради. Хотинининг иддаси тугамаган Ўзганд ҳокими талаб қилган фатвони бермагани сабабли 466 ҳижрий санада зиндонга ташланади ва у ерда 15 йил қолиб кетади. Зиндонда 15 жилддан иборат “ал-Мабсут”, икки жилдли “Шарҳ сияр ал-кабир” ва “Китоб аш-шурут” асарларини ёзади. Озод этилгач, 480 ҳижрий санада Марғинон шаҳрига кўчиб ўтади ва ўша ерда “Шарҳ сияр ал-кабир” асарини тамомлайди (Қураший, 2008:28).

Мазкур даврда Шамсул аимма Сарахсийдан Фарғона минтақасидан етишиб чиққан бир қанча олимлар таълим олган. Жумладан, XII асрда фаолият юритган Абу Ҳафс Зандаромиший (ваф. номаълум) ҳамда Шамсулислом Маҳмуд Ўзжандий (ваф. номаълум) бунга мисол бўла олади. Ушбу икки олим Шамсул аимма Сарахсийдан унинг Ўзганддаги зиндонда сақланган вақтида таълим олган (Қураший, 2008:28).

Абу Ҳафс Зандаромишийнинг тўлиқ исми – Абу Ҳафс Умар ибн Ҳабиб Зандаромиший Фарғоний бўлиб, Зандаромиший нисбаси олим туғилган Фарғонанинг Зандаромаш шаҳрига нисбатан берилган (Ҳамавий, 1957:157). Бурҳонуддин Марғиноний “ал-Ҳидоя” асарида Зандаромишийни ҳам бобоси ҳам устози сифатида зикр қилади (Марғиноний, 1998:12).

Шамсул ислом Маҳмуд Ўзжандий эса ўша даврда катта обрўга эга фақиҳлардан бири бўлган. Унинг асарлари ҳақида маълумотлар мавжуд эмас, бироқ олим айтган оғзаки фатволаридан бир қанча ҳанафий фақиҳлари ўз асарларида фойдаланган. Буларга мисол тариқасида Абул Маъолий Маҳмуд Бухорий (1219-1156/м.551-616 ҳ.), аллома Ибн Обидин (1784-18361) ҳамда “Фатовои Оламгирийя” муаллифларини келтириш мумкин (Бухорий М., 2005: 237; Ибн Обидин, 2003: 80; Ҳинд олимлари жамоаси, 2003: 441).

Эътиборли жиҳати, Абу Ҳафс Зандаромишийнинг авлодларидан Марғинонийлар сулоласи, Маҳмуд Ўзжандий авлодларидан эса Ўзжандийлар сулоласи етишиб чиққани ва ҳар икки сулола вакилари ҳам қозилик мансабида фаолият юритганлари XII асрда Фарғона водийсидаги мавжуд илмий муҳитнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб беради.

XII-XIV асрларда мавжуд бўлган Фарғона водийси илмий марказларидан Марғинон ва Хўжанд шаҳарларидан ҳам кўплаб олимлар етишиб чиққан. Заҳируддин Ҳасан ибн Али Марғиноний ва Сайфуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад Ҳўжандийларни санаб ўтиш мумкин. Аҳамиятли жиҳати, улар ўз фаолиятларини Фарғона водийсида олиб борганлар.

XX асрнинг энг кўзга кўринган олимларидан Абдулҳай Лакнавий Мовароуннаҳрдаги ҳанафий фиққини ўрганиш силсиласини келтирганда, айнан Заҳируддин Марғинонийни ўз давридаги минтақанинг энг йирик олими сифатида эътироф этган (Лакнавий, 1989: 62). Абдулҳай Лакнавий Заҳируддин Марғиноний ҳақида: “У илмни имло ва тасниф орқали ёйган, “ал-Ақзия”, “аш-

Шурут”, “Фатово”, “ал-Фавоид” ва номдаги китобларни ёзган фақиҳ ва муҳаддис бўлган”, дейди (Лакнавий, 1989:62). Ушбу олим ўз даврининг етук намоёндаларидан Бурҳонуддин Марғиноний, Фахруддин Қозихон, Сирожуддин Ўший, Ифтихоруддин Бухорийларга “Сунани Термизий”дан дарс бергани маълум (Салмо, 2014:256).

Сайфуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад Ҳўжандий эса, Фарғона водийсида ҳадис илми ривож топишида ўз ҳиссасини қўшган олимлардан саналади. Хусусан, Сирожуддин Ўший ўзининг “Нисоб ал-ахбор” асарида мазкур олимнинг бир қанча ҳадис манбаларидан дарс берган минтақанинг йирик муҳаддиси бўлгани эътироф этилган (Ўший, Қўлёзма: 5[a]).

Мовароуннҳар минтақасида сунний мазҳаблар ўртасида ҳанафий мазҳабининг роли кучайиб борди. Минтақада дастлабки даврларда Қаффол Шоший (903-976 йй.) каби шофеий мазҳабининг йирик намоёндалари фаолият юритган бўлса-да, XI асрга келиб Мовароуннаҳр ҳанафий мазҳабининг бош марказига айланди. Мана шу даврдан бошлаб минтақа олимларидан Абу Зайд Дабусий (978-1039), Шамсул аимма Ҳалвоний (ваф. 448/1057), Шамсул аимма Сарахсий (1010-1093 йй.), Фахрул ислом Паздавий (ваф. 482/1089) кабилар ҳанафий мазҳабига тегишли энг муҳим таянч китобларни таълиф қилдилар (Қураший. 2008: 297). Улардан Абу Зайд Дабусийнинг “Таъсис ан-назар” (“Қарашларни асослаш”) ва “Тақвим ал-адилла” (“Далилларни баҳолаш”), Шамсул аимма Сарахсийнинг “Мабсут” (“Асл китоби шарҳи”), Фахрул ислом Паздавийнинг “Усул” асарлари ҳанафий мазҳабида янги йўналишлар пайдо бўлишига замин яратиб берди (Қаббоний. 2015: 7).

Мовароуннаҳрда шаклланган ҳанафий мазҳабига оид янги илмий йўналишлар таъсирида илмий марказлар юзага келди. Жумладан, Самарқанд ва Бухоро фиқҳ мактаби Ироқ мактаби билан бирга ҳанафий мазҳабининг уч асосий мактабини ташкил қилди (Ўзтурк, 2020:175). Шу билан бирга, Самарқанд ва Бухоро мактаби вакилларидан иборат Фарғона фақиҳлари ҳам мазкур ҳудудда ўзига хос мактабни ташкил қилдилар. Масалан, Марғинон шаҳридан етишиб чиққан Али ибн Абдурраззоқ Марғиноний (506/1112), Бурҳонуддин Марғиноний (593/1197), Низомуддин Марғиноний (600/1203), Заҳируддин Ҳасан ибн Али Марғиноний (600/1203) ва Абулмаъолий Марғиноний (527/1132) кабилар Фахруддин Қозихон, Шамсулислом Маҳмуд Ўзжандий, Ифтихоруддин Бухорий, Сирожуддин Ўший каби олимларга устозлик қилганлар (Қураший, 1989: 297).

Фарғона водийси шаҳарларидан Косонда Абу Саъд Косоний (ваф. 520/1126 й.), “Бадоэъ ас-саноэъ” асари муаллифи Абу Бакр Алоуддин Косоний (ваф. 587/1191 й.), Абдулфатҳ Маҳмуд Косоний (ваф. 552/1157 й.) ҳамда Муҳаммад Косоний (ваф. 552/1157 й.) етишиб чиқди (Лакнавий. 1989: 139). Улардан Алоуддин Косоний устози Алоуддин Самарқандийнинг (ваф. 1145 й.) “Туҳфа ал-фуқаҳо” асарига шарҳ ёзиб, қизига уйлангани машҳур. Алоуддин Косоний мовароуннаҳрлик машҳур фақиҳлардан Разиюддин Сарахсийнинг (ваф. 544/1150 й.) устози бўлган (Лакнавий. 1989: 53).

Минтақа олимларидан яна бири – Ҳусомуддин Ахсикатий (ваф. 644/1247 й.) ҳозирги Фарғона вилояти ҳудудида жойлашган Ахсикент шаҳридан етишиб чиққан. Унинг ҳанафий усулига оид “Мунтахаб” ва “Мухтасар” номли асарлари шуҳрат қозонган. Биргина Ҳиндистон олимлари томонидан Лакнав шаҳрида унинг “Мунтахаб” асарига Фаиз Гангуҳий томонидан 1877 йилда “ат-Таълиқ ал-ҳомий”, Мавлавий Муҳаммад Иброҳим томонидан 1899 йилда “ал-Ҳошия ал-иброҳимия”, 1890, 1906 йилларда Низомуддин Қураший қаламига оид “ан-Низомий ҳошия ала ал-Ҳусомий” ва 1907 йилда Абдулҳақ Деҳлавий томонидан “ан-Номий ҳошия ал-Ҳусомий” каби ҳошия ва таълиқлар чоп этилган (Akyurek, 2012: 301).

XIV асрда фаолият юритган Фарғона водийси фақиҳларидан “Заҳира ал-фатово” асари муаллифи Шарофуддин Аҳмад Фарғоний (ваф. 750/1349 й.), “Шарҳ ал-Арбаъин фи фазоил ал-аимма ал-арбаъа” муаллифи Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Ҳўжандий (ваф. 750/1349 й.), “Ҳидоя ас-солик би маърифа ал-маносик” китоби муаллифи Қози Ҳўжандийларни (ваф. 750/1349 й.) санаб ўтиш мумкин (Kavakçı. 1976: 295). Мазкур асрда салмоқли ижод қилган ҳанафий фақиҳлардан бири Амир Котиб ибн Умар Итқоний (ваф. 758/1357 й.) Бурҳонуддин Марғинонийнинг “Ҳидоя” асарига “Ғоя ал-баён” ҳамда Ҳусомуддин Ахсикатийнинг “Мунтахаб”ига шарҳ ёзган (Yavuz. 1998: 49).

Фарғона минтақасида ақида илмида ҳам бир қанча машҳур олимлар фаолият юритган. Улардан бири – Абу Али Ҳусайн ибн Али Ломиший (ваф. 522/1128) бўлиб, унинг ақида илмига оид “Тамҳид” асари кенг тарқалган (Kavakçı. 1976: 215). Яна бир ақида илми олими бўлган Муҳаммад ибн Муҳаммад Аҳсикатий (ваф. номаълум) “Фазиҳа ли ал-мулҳидин” номли асар қолдирган (Yavuz, 1998: 48).

Мазкур даврда Фарғона водийсида қироат илми ҳам ривож топди. Масалан, Абу Тоййиб Тоҳир ибн Муҳаммад Хўқандий (ваф. 501/1107), Абу Наср Мансур ибн Аҳмад Фарғоний (ваф. номаълум) ва

Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад Андуконийлар (ваф. 1151 й.) қироат илмида фаолият юритганлар. Бу борада Абу Наср Фарғонийнинг “ал-Ишора фи ал-қироат ал-ашр”, “ал-Муъжаз фи ал-қироат” асарлари шуҳрат топган (Ибн Асир, 2015:468). Шунингдек, Косон ва Марв шаҳарларида бўлган ҳамда Косонда вафот этган Абу Ҳафс Андуконий Фарғона шаҳрида фаолият юритиб, шу ерда вафот этган кам сонли олимлардан саналади (Ҳамавий, 1957: 261).

XIV асрда Фарғона водийсидан бир қанча тасаввуф намоёндалари етишиб чиқди. Улардан Косонда туғилган Саъдуддин Муҳаммад ибн Аҳмад Фарғоний (ваф. 699/1300 й.) Акбариййа[1] ва Сухравардиййа тариқатлари намоёндаларидан бўлган. Ушбу олим Шаҳобуддин Сухравардийнинг (ваф. 587/1191 й.) шогирди Нажибуддин Шерозийга (вафоти номаълум) байъат қилган. Унинг ҳузурида сухравардиййа тариқати сайр-сулукини тамомлаб, Шомга сафар қилади. Шомда Садруддин Қўнавийга (ваф. 672/1274 й.) шогирдликка тушган Саъдуддин Фарғоний кейинчалик янги вужудга келган акбариййа тариқатига мойил бўлади (Ибн Фариз, 1978: 37). Баъзи манбаларда нақшбандиййа тариқати намоёндаларидан Муҳаммад Порсо (ваф. 820/1420 й.) айнан Саъдуддин Фарғоний қарашлари орқали Ибн Арабий таълимотидан таъсирланган келтирилади (Ziya, 1983: 265).

НАТИЖА

Тадиқот натижасида XII аср Моваройуннаҳр минтақаси учун мураккаб сиёсий жараёнлар асри бўлишига қарамай, минтақада илмий фаолиятлар тўхтаб қолмагани, аксинча, бир қанча илмий марказлар вужудга келгани аниқланди. Мазкур илмий марказлардан Моваройуннаҳрнинг Фарғона водийси қисмида жойлашган Ўзганд, Марғинон, Хўжанд ва Ўш каби йирик шаҳарларда ўзига хос фиқҳ илми марказлари фаолият юритган. Юқоридаги илмий марказлардан Заҳируддин Марғиноний, Ҳусомуддин Ахсикатий, Сирожуддин Ўший, Фахруддин Қозихон, Алоуддин Косоний, Бурҳонуддин Марғиноний, Абу Али Ломиший каби ҳанафий мазҳабининг йирик намоёндалари етишиб чиқди. Шу билан бирга, Фарғона водийсида қироат илмида Абу Тоййиб Хўқандий, Абу Ҳафс Андкуноний, Абу Наср Фарғоний, тасаввуф соҳасида Саъдуддин Фарғоний, фиқҳ илмида Шарофуддин Фарғоний, Қози Хўжандий ҳамда ҳадис илмида Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Хўжандий каби олимлар фаолият юритгани аниқланди.

Фарғона водийси, жумладан Ўш, Марғинон, Хўжанд, Ўзжанд шаҳарларидаги фиқҳий анъаналар ва олимларнинг фаолиятида Самарқанд ва Бухоро фиқҳ мактаблари таъсири юқори бўлган.

Минтақадаги Марғинонийлар, Ўшийлар, Ўзжанддийлар каби олимлар сулоласининг салмоқли фаолияти туфайли XII-XIV асрларда Мовроуннаҳр илм-фан ривожида Фарғона водийсининг ҳам ўзига хос ўрни бўлганини эътиборга олиш мақсадга мувофиқ.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Abdulkerim Ozaydın. (2001). “Karahanlılar”, DİA, Istanbul, c. 24.
2. Bilen Yilmaz. (2019).Мўғулларнинг Туркистон босқини ва оқибатлари. –Анқара, Hacettepe Universitesi Turkiyat Arashtırmaları Enstitusu, 2019.
3. Biran M. (2013). Rulers and City Life in Mongol Central Asia. Turko-Mongol Rulers, Cities and City Life, Ed. David Duran-Guedy, Vol. 31, Boston: Brill, 2013.
4. Frye, Richard N. (2015). Orta Çağın Basharısı Buhara Orneği. (Çev. Hasan Kurt), Ankara: Ahmet Yesevi Universitesi Yardim Vakfi Yayinlari.
5. Hilmi Ziya. (1983). İslam Felsefesi-Eski Yunan’dan Çağdash Dushunceye Doğru, İstanbul, 265 vd.
6. Ismail Hakkı Unal. (2014). “SHehirlerin Faziletleriyle ilgili Uydurma Hadisler ve “Hayru‟l-Buldan” Risalesi”, Ankara Universitesi İlahiyat Fakultesi Dergisi, c. 41, sayı: 1.
7. Kavakçı, Yusuf Ziya. (1976). XI ve XII. Asırlarda Karahanlılar Devrinde Mavara al-Nahr İslam Hukukçuları, Sevinç Matbaası, Ankara 1976.
8. Kınalızade Ali Efendi. (2005). Tabakatu’l-fukaha (nshr. Ahmed Neyle), Musul ts.
9. Nesimi Yazıcı. (2002). İlk Turk-İslam Devletleri Tarihi. –Ankara: Diyanet Vakfi Yayinlari.
10. Omeljan Pritsak. (1980). Karachanidische Studien I—IV. Studien zur «Geschichte der Verfassung der Turk-Volker Zentralasiens, Volume 6. –Cambridge: Harvard Ukrainian Research Institute.
11. Unat, Yavuz. (1998). Islamic Soruces III, el-Ferganî The Elements of Astronomy (ed. SHinasi Tekin-Gonul Alpay Tekin), Harvard.
12. Yilmaz, B. (2023). Moğollarda Aristokratik Devlet Geleneğinin Temelleri ve Uygulaması. Turkuaz Uluslararası Turk Dunyası Bilimsel Arashtırmalar Dergisi, 4(1).
13. Yunus Akyurek. (2012). Bashlangıçtan Moğol İstilasına Fergana vadisi. –Istanbul: Emin yayinlari.
14. Yusuf Ziya Kavakçı. (1976). XI ve XII. Asırlarda Karahanlılar Devrinde Mavara’ al-Nahr İslam Hukukçuları, Mavara‟ al-Nahr İslam Hukukçuları. – Ankara: Ataturk Universitesi Yayınları.
15. Zahireddin Muhammed Babur. (1583). Baburname, вар. 3b, (Suleymaniye Ktp., Huseyin Kazım, nr. 84.

[1] Акбария тариқати Муҳиддин ибн Арабий (ваф. 1240 й.) томонидан асос солинган тасаввуфий йўналиш бўлиб, вахда ал-вужуд, таркидунёчилик, очлик ва тунги ибодатларни тарғиб қилган. Ушбу тариқат Шом ва Миср диёрларида тарқалган. Манба: Айман Ҳамдий. Тариқа ал-акбариййа ал-ҳотимиййа. –Қоҳира: Муасса Ибн ал-Арабий, 2021. –Б.6.

16. Zharkynbai Sebetov. (2015). el-Fetava‟s-Sirajiyye Adlı Eseri Çerçevesinde Ali b. Osman el-Ûshî‟nin Fıkıh İlmindeki Yeri, Marmara Universitesi Sosyal Bilimler Enstitu.
17. А.Очир. (1999). Ч.Далаи ва бошқалар. Монгол Улуси тарихи, 2-жилд. –Уланбатор.
18. Абдулкарим Самъоний. (1988). Ал-Ансоб, 2-жилд. –Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия.
19. Абдулҳай Лакнавий. (1989). Ал-Фавоид ал-Баҳийя. –Қоҳира: Дор ал-кутуб ал-исламий.
20. Абу Исҳоқ Истахрий. (2018). Масолик ал-мамолик. –Леиден: Мактаба ал-Брилл.
21. Абу Муҳаммад Абдулқодир Қураший Ҳанафий. (2008). Ал-Жавоҳир ал-Музия фи табақот ал-ҳанафия, 1-жилд. Қоҳира: Дор ал-ҳижр.
22. Абу Муҳаммад Абдулқодир Қураший. (2008). Ал-Жавоҳир ал-музия фи табақот ал-ҳанафия, 2-жилд. –Карочи: Дор Мир Муҳаммад кутубхоне.
23. Абул Маъолий Маҳмуд ибн Аҳмад Бухорий. (2005). Ал-Муҳит ал-бурҳоний фи ал-фиқҳ ан-Нуъмоний, 9-жилд. –Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя.
24. Академик Бартольд. (2018). Туркистон халқлари тарихи. –Остона.
25. Академик Бартольд. (1965). Сочинение III, Работы по исторической географии. –Москва: Главная редакция восточной литературы.
26. Академик Бартольд. (2006). Ўрта Осиё тарихи ҳақидаги дарслар. –Москва.
27. Али ибн Абу Бакр Бурҳонуддин Марғиноний. (1998). Ал-Ҳидоя шарҳу бидая ал-мубтадий,1-жилд. –Карочи: Идора ал-Қуръон ва ал-улум ал-исламия.
28. Арслон. (2014). Мўғуллар ўртасида исломнинг ёйилиши. –Истанбул: Okur Akademi.
29. Ёқут Ҳамавий. (1957). Муъжам ал-булдон, 1-жилд. –Байрут: Дор ас-садр.
30. Ёқут Ҳамавий. (1957). Муъжам ал-булдон, 3-жилд. Байрут: Дор ас-содр.
31. Зуҳал Ўлмаз. (2007). Чиғатойчадаги мўғулча сўзлар. –Анқара: Uluslararası Turk Dili Kurultayı.
32. И.Эгамбердиев. (2004). Қирғизистон Географияси. –Бишкек.
33. Ибн Арабшоҳ. (2012). Ажойиб ал-мақдур. –Истанбул: Selenge.
34. Ибн Асир. (2015). Ал-Лубоб фи Таҳзиб ал-асбоб, 1-жилд. –Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя.
35. Ибн Баттута. (2015). Саёҳатнома. –Истанбул: Bilge Kultur Sanat.
36. Ибн Фариз. (1978). Машориқ ад-дарорий Шарҳ Тоиййа. –Машҳад.
37. Ибн Ҳавқал. (1992). Китоб сурат ал-арз. –Байрут: Мактаба ал-ҳаёт.
38. Китобчи. (2005). Турк-мўғул ҳукмдорлари ўртасида ислом. -Коня: Селчук университети.
39. Котиб Чалабий. (2007). Кашф аз-зунун. Байрут: Дор иҳё ат-турос ал-арабий, 2-жилд.
40. Б.Орузбаева. (1979). Қирғиз Совет энциклопедияси, 4-жилд. –Фрунзе.
41. Марко Поло. (2015). Саёҳатлар китоби. –Истанбул: Yol.
42. Маҳмуд ибн Ҳусайн Қошғарий. (1915). Девон луғат ат-турк, 1-жилд. –Истанбул.
43. Мустафо Муҳаммад Қаббоний. (2015). Муқаддимату Тасис ан-назар. –Байрут: Дор Ибн Зайдун.
44. Муҳаммад Амин ибн Умар ибн Абдулазиз Обидин Димашқий. (2003). Родд ал-мухтор ъала ад-дурр ал-мухтор, 5-жилд. –Ар-Риёд: Дор олам ал-кутуб.
45. Никита Якоблевич Бичурин. (1953). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в Древние времена, 2-том. –Москва-Ленинград.
46. Рене Груссе. (2015). Степлер импеторлиги. –Анқара: ТТК, 2015.
47. Салмо бинти ал-Муфти Мужиб ар-Раҳмон. (2014). Ал-Ҳодий ила риёз ал-фиқҳ ва ал-фуқаҳо. –Темиркура: Мактаба ал-имом Муҳаммад Шайбоний.
48. Сирожуддин Али ибн Усмон Ўший. Нисоб ул-ахбор. –Истанбул: Suleymaniye Ktp. –қўлёзма. № 1504.
49. Сирожуддин Али ибн Усмон Ўший. (2011). Фатово ас-сирожиййа. –Йоханесбург: Дор ал-улум аз-Закариё.
50. Сирожуддин Ўший. Муснаду Анас ибн Молик. –Истанбул: Сулаймония кутубхонаси. –Қўлёзма. № 787.
51. Ҳалил Ўзтурк. (2020). Ибн Ҳумомга кўра Самарқанд ва Бухоро ҳанафий калом олимлари ўртасидаги ихтилофлар. –Йозгат: Бозок университети.
52. Ҳинд олимлари жамоаси. (2003). Ал-Фатово ал-Ҳиндийя, 2-жилд. –Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя.
53. Номаълум муаллиф. Ҳудуд ал-олам. Тошкент: –Абу Райҳон ал-Беруний номидаги Шарқшунослик институти Асосий фонди. –Қўлёзма. № 7979.
54. Шамсуддин Заҳабий. (1997). Тарих ал-ислом, 44-жилд. –Байрут: Дор ал-китоб ал-арабий.
55. Шамсуддин Мақдисий. (2002). Аҳсан ат-тақосим. –Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия.
56. Шамсул аимма Сарахсий. (1989). Китоб ал-Мабсут, 4-жилд. –Байрут: Дор ал-маърифа.

REFERENCES:

1. Abdulkerim Ozaydin. (2001). «Karahanlılar», DIA, Istanbul, c. 24.
2. Bilen Yilmaz. (2019). Mongol invasion of Turkestan and its consequences. – Ankara, Hacettepe Universitesi Turkish Research Institute, 2019.
3. Biran M. (2013). Rulers and City Life in Mongol Central Asia. Turco-Mongol Rulers, Cities and City Life, Ed. David Duran-Guedy, Vol. 31, Boston: Brill, 2013.
4. Frye, Richard N. (2015). The Success of the Middle Ages is the Example of Bukhara. (Translated by Hasan Kurt), –Ankara: Ahmet Yesevi University Aid Foundation Publications.
5. Hilmi Zia. (1983). Çağdash Dushunceye Doğru from Ancient Yunan to Islamic Philosophy, İstanbul, 265 vd.
6. Ismail Hakki Unal. (2014). «Fictitious Hadiths on the Virtues of Cities and «Hayru‟l-Buldan» Treatise», Journal of the Faculty of Theology of Ankara University, c. 41, number: 1.
7. Kavakçi, Yusuf Ziya. (1976). XI and XII. Mavara al-Nahr Islamic Jurists in the Era of the Karahans in the Centuries, Sevinç Press, Ankara 1976.

8. Kınalızade Ali Efendi. (2005). Tabakatu'l-fukaha (ed. Ahmed Neyle), Mosul ts.
9. Nesimi Yazıcı. (2002). History of the First Turkish-Islamic States. –Ankara: Diyanet Vakfi Publications.
10. Omeljan Pritsak. (1980). Karachanidische Studien I-IV. Studien zur «Geschichte der Verfassung der Turk-Volker Zentralasiens, Volume 6. –Cambridge: Harvard Ukrainian Research Institute.
11. Unat, Yavuz. (1998). Islamic Soruces III, el-Ferganî The Elements of Astronomy (ed. SHinasi Tekin-Gonul Alpay Tekin), Harvard.
12. Yilmaz, B. (2023). Foundations and Application of the Aristocratic State Tradition in the Mongols. Turkuaz International Turk Dunyası Journal of Scientific Research, 4(1).
13. Yunus Akyurek. (2012). The Fergana Valley from the Beginning to the Mongol Invasion. –Istanbul: Emin Palace.
14. Yusuf Ziya Kavakçi. (1976). XI and XII. Mavara' al-Nahr Islamic Jurists, Mavara' al-Nahr Islamic Jurists in the Era of the Karakhanids. –Ankara: Ataturk University Publications.
15. Zahireddin Muhammed Babur. (1583). Baburname, var. 3b, (Suleymaniye Ktp., Huseyin Kazım, no. 84.
16. Zharkynbai Sebetov. (2015). al-Fatawa"s-Sirajiyye Adlı Eseri Framet Ali b. Osman el-Ûshî in the Science of Jurisprudence, Marmara University Institute of Social Sciences.
17. A. Achir. (1999). Ch. Dalai and others. History of the Mongol Ulusi, Volume 2. –Connector.
18. Abdulkarim Samani. (1988). Al-Ansab, Volume 2. –Beirut: Dar al-kutub al-ilmiya.
19. Abdulhai Laknavi. (1989). Al-Fawoid al-Bahiya. –Cairo: Dar al-kutub al-Islami.
20. Abu Ishaq Istakhri. (2018). Masolik al-mamolik. –Leiden: Maktaba al-Brill.
21. Abu Muhammad Abdul Qadir Qurashi Hanafi. (2008). Al-Jawahir al-Muziya fi tabaqat al-Hanafiyyah, Volume 1. Cairo: Dor al-Hijr.
22. Abu Muhammad Abdul Qadir Qurashi. (2008). Al-Jawahir al-Muziya fi Tabaqat al-Hanafiyyah, Volume 2. –Karochi: Dor Mir Muhammad library.
23. Abul Ma'ali Mahmud ibn Ahmad Bukhari. (2005). Al-Muhit al-Burhani fi al-Fiqh an-Nu'mani, Volume 9. –Beirut: Dar al-kutub al-ilmiyya.
24. Academician Barthold. (2018). History of Turkestan peoples. –Astana.
25. Academician Barthold. (1965). Sochinenie III, Raboty po istoricheskoy geografii. –Moscow: Glavnaya redaktsiya vostochnoy literatury.
26. Academician Barthold. (2006). Lessons on the history of Central Asia. –Moscow.
27. Ali ibn Abu Bakr Burhanuddin Marginani. (1998). Al-Hidaya sharhu bidaya al-mubtadi, volume 1. –Karochi: Office of al-Qur'an and al-Ulum al-Islamiya.
28. Lion. (2014). The spread of Islam among the Mongols. –Istanbul: Okur Academy.
29. Ruby Hamavi. (1957). Mu'jam al-buldan, Volume 1. –Beirut: Dar al-Sadr.
30. Ruby Hamavi. (1957). Mu'jam al-buldan, volume 3. –Beirut: Dar as-Sodr.
31. Zuhal Olmaz. (2007). Mongolian words in Chigataycha. -Ankara: International Turkish Language Conference.
32. I. Egamberdiev. (2004). Geography of Kyrgyzstan. –Bishkek.
33. Ibn Arabshah. (2012). Excellent al-maqdur. –Istanbul: Selenge.
34. Ibn Asir. (2015). Al-Lubab fi Tahzib al-asbab, Volume 1. –Beirut: Dar al-kutub al-ilmiyya.
35. Ibn Battuta. (2015). Travelogue. –Istanbul: Bilge Kultur Sanat.
36. Ibn Fariz. (1978). Mashariq ad-darari Sharh Taiyya. –Mashhad.
37. Ibn Havqal. (1992). Book picture al-arz. –Beirut: Maktaba al-hayat.
38. Book reader. (2005). Islam among the Turko-Mongol rulers. –Konya: Selcuk University.
39. Secretary Chalabi. (2007). Discovery. –Beirut: Dor ihya al-turos al-arabi, vol. 2.
40. B. Oruzbaeva. (1979). Kyrgyz Soviet Encyclopedia, Volume 4. –Frunze.
41. Marco Polo. (2015). Travel book. –Istanbul: Yol.
42. Mahmud bin Husayn Kashgari. (1915). Devon dictionary at-Turkish, volume 1. –Istanbul.
43. Mustafa Mohammad Qabbani. (2015). Introduction Tasis an-nazar. –Beirut: Dor Ibn Zaydun.
44. Muhammad Amin bin Umar bin Abdulaziz Abidin Dimashqi. (2003). Rodd al-mukhtar 'ala ad-durr al-mukhtar, volume 5. –Riyadh: Dar olam al-kutub.
45. Nikita Yakoblevich Bichurin. (1953). Sobranie swedeniy o narodax, obitavshikh v Sredney Azii v Drevnie vremena, volume 2. –Moscow-Leningrad.
46. Rene Grusse. (2015). Stapler empire. -Ankara: TTK, 2015.
47. Salma bint al-Mufti Mujib al-Rahman. (2014). Riyaz al-Fiqh and al-Fuqaha with Al-Hadi. –Temirkura: Maktaba al-imam Muhammad Shaybani.
48. Sirajuddin Ali ibn Usman Ushi. Nisab ul-akhbar. –Istanbul: Suleymaniye Ktp. - manuscript. No. 1504.
49. Sirajuddin Ali ibn Usman Ushi. (2011). Fatawa al-Sirajiyya. –Johannesburg: Dar al-Ulum az-Zakariya.
50. Sirojuddin Oshii. Musnadu Anas ibn Malik. –Istanbul: Suleymaniye Library. – Manuscript. No. 787.
51. Halil Ozturk. (2020). Disagreements between Samarkand and Bukhara Hanafi kalam scholars according to Ibn Humam. –Yozgat: Bozok University.
52. Society of Indian Scholars. (2003). Al-Fatawa al-Hindiyya, Volume 2. –Beirut: Dar al-kutub al-ilmiyya.
53. Unknown author. Hudud al-Alam. –Tashkent: Main Fund of the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan al-Beruni. –Manuscript. No. 7979.
54. Shamsuddin Zahabi. (1997). Tarikh al-Islam, volume 44. –Beirut: Dar al-kitab al-arabi.
55. Shamsuddin Maqdisi. (2002). Ahsan at-taqasim. –Beirut: Dar al-kutub al-ilmiya.
56. Shamsul aimma Sarakhsi. (1989). Kitab al-Mabsut, Volume 4. –Beirut: Dar al-ma'rifah.